

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 49 (10.858)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар



Кўргазмалар

ҚУРИЛИШ САНОАТИ РИВОЖИ ЙЎЛИДА

КЕЧА ШАҲРИМИЗДАГИ «ЎЗЭКСПОМАРКАЗ» ДА РЕСПУБЛИКАМИЗДА АНЪАНАВИЙ ТАРЗДА ЎТКАЗИБ КЕЛИНАЁТГАН «ҚУРИЛИШ ВА ИНТЕРЬЕР, ИСТИИШ ВА ВЕНТИЛЯЦИЯ — Uz Build 2007» КўРГАЗМАСИ БОШЛАНДИ. САККИЗИНЧИ БОР ЎТКАЗИЛАЁТГАН КўРГАЗМАГА РАСМИЙ КўМАКНИ ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АРХИТЕКТУРА ВА ҚУРИЛИШ ДАВЛАТ ҚўМИТАСИ, «ЎЗҚУРИЛИШМАТЕРИАЛЛАРИ» АКЦИЈАДОРЛИК КОМПАНИЯСИ, РЕСПУБЛИКА САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИ КўРСАТМОҚДА.

Шу тарихда жорий йилнинг кўргазмалар мавсуми ҳам очилди. Айтиш керакки, ҳозирда республикада, айниқса Тошкент шаҳрида кенг кўламли қурилиш-тиклаш ишлари амалга оширилмоқда. Ва бу албатта янги қурилиш материаллари, технологиялар ва асбоб-ускуналарни талаб этади. Улар билан танишиб, кераклиларини етказиб бериш юзасидан ҳам айнан баҳор ойларида анъанавий равишда ўтказиладиган қурилиш кўргазмаларида кўплаб шартномалар тузилади.

— Кейинги йилларда «Uz Build» кўргазмаларида Ўзбекистон қурилиш бозорининг ривожланиши истиқболлари ҳар томонлама ўз аксини топмоқда, — дейди «Ўзқурилиш-материаллари» акциядорлик

компанияси бошқаруви раиси Э.Акрамов. — Айнан кўргазма катнашчиларининг махсулотлари ўрин олган стендларда қуруқ қоришмалар, пардозлашда ишлатиладиган тошлар, осма шифтлар ва бошқа кўплаб қизиқарли янгиликлар билан танишиш мумкин. Мазкур кўргазмада кўплаб юрти-миз фирмалари иштирок этамоқда. Бизнеснинг компаниямиз хусусида тўхтайдиган бўлсак эса қурилиш материалларини эмас, балки илгор ускуналар, замонавий технологияларни келтиришга қаратилган фаолиятимиз ривожланиб бормоқда. Айнан замонавий технологияларга фақат жорий йилнинг ўзида 39 миллион долл. сўм ва 25 миллион АҚШ долларини инвестиция қилиш кўзда тутилмоқда. Бу галги кўргазма экспози-



циялари «Ўзэкспомарказ» марказий павильонининг иккита зали ҳамда очик майдондан ўрин олди. Шу тарихда кўргазма экспонатлари эгаллаган майдон 15 марта ошди. Катнашчилар сони эса юзта компанияга етиб қолди. Янги катнашчилар — Дания, Киргизистон, Хитой ва Эроннинг фирмалари ҳам пайдо бўлди.

8-халқаро кўргазмада «Йул ва қурилиш техникаси», «Локалар ва бўёқлар», «Том ёпиш материаллари», «Ландшафтлар ва кўкаламзорлаштириш»

каби тўртта янги йўналиш юзатди. Уйланимизки, кўргазма фаолияти давомида мамлакатимиз ва хориж фирмалари ўртасида кўплаб ўзаро манфаатли шартномалар имзоланади, келгусида юрти-мизга энг илгор қурилиш техникаларининг келтирилиши учун мустаҳкам замин яратилади.

(Ўз мухбиримиз) СУРАТЛАРДА: кўргазмадан лаҳзалар. Наталья Семёнова олган суратлар

ПОКИСТОН БОШ ВАЗИРИ ТОШКЕНТГА КЕЛДИ

ПОКИСТОН ИСЛОМ РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИ ШАВКАТ АЗИЗ 13 МАРТ КУНИ РАСМИЙ ТАШРИФ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОНГА КЕЛДИ.

Ташрифнинг асосий воқеалари 14 март куни бўлиб ўтади. Юқори мартабали меҳмоннинг Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ва Бош вазир Шавкат Мирзиёев билан учрашуви кўзда тутилган.

Музокараларда Ўзбекистон-Покистон муносабатларининг бугунги аҳволи ва истиқболлари муҳокама қилиниб, халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари юзасидан фикр алмашиш ҳамда қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши кутилмоқда.

(ЎЗА)

ЎЗБЕКИСТОН — ПОКИСТОН:

ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ ҲАМДА МИНТАҚА ТАРАҚҚИЁТИ ЙЎЛИДАГИ ҲАМКОРЛИК

БУГҲУН ПОКИСТОН ИСЛОМ РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИ ШАВКАТ АЗИЗНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА РАСМИЙ ТАШРИФИ БОШЛАНДИ. УШБУ ТАШРИФГА ТОМОНЛАР КЕЙИНГИ ЙИЛЛАР ДАВОМИДА ИККИ МАМЛАКАТ ЎРТАСИДА ЮҚОРИ САРАЖАДА ЎРНАТИЛГАН САМАРАЛИ АЛОКАЛАРНИНГ ДАВОМИ СИФАТИДА ҚАРАМОҚДАЛАР.

Жорий йилда Ўзбекистон ва Покистон ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганига 15 йил тўлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 1992 йил август ойида Покистонга буорган расмий ташрифи Ўзбекистон-Покистон муносабатларининг ўрнатилиши ва ривожланишига тамал тошини қўйган эди.

2005 йил мартда Покистон Президенти П.Мушаррафнинг Ўзбекистонга буорган расмий ташрифи чоғида минтақавий хавфсизликни таъминлаш, икки томонлама сиёсий-иқтисодий мулоқотни кенгайтириш масалалари муҳокама этилди.

2006 йил май ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов расмий ташриф билан Покистонда бўлди. Ташриф давомида эришилган келишувлар икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликнинг янги истиқболларини белгилаб берди. Ушбу ташриф чоғида имзоланган ҳужжатлар икки мамлакатнинг савдо-иқтисодий ва сарможий соҳадаги, терроризм ва экстремизм билан кураш борасидаги ҳамкорлиги янада ривож топишига хизмат қилди.

Таъкидлаш жоизки, Покистон Марказий Осиё давлатлари билан ҳамкорликни кенгайтиришда Ўзбекистонга алоҳида аҳамият беради. Кўпгина сиёсий масалалар юзасидан икки давлат раҳбарлари қарашларининг муштараклиги бунга мустаҳкам асос бўлмоқда.

(Давоми 3-бетда)

Кечка сатрларда

- **ЎТГАН** кундан Ҳамза туман ҳокимлиги, туман маданият ва спорт ишлари бўлими, «Тенгдош», «Замондош», Ҳамза номидаги маданият уйлари ҳамкорлигида карнай-сурнай садолари остида Наврўзга чорлов тадбири бошланди. 20 мартга ҳакам этакдан ушбу тадбир Ҳамза туманидаги марказий хиёбонларда, маҳаллаларда, кўчаларда ташкил этилади.
- **БУГҲУН** Ўзбекистон Республикаси Болалар кутубхонасида меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари иштирокида ўтказилган «Наврўз — тинчлик тимсоли» мавзусидаги хайрия тадбири Ижтимоий Ҳимоя йили ҳамда яшариш ва эзгулик байрами Наврўз айёми муносабати билан уюштирилди.
- **КЕЧА** ўзбек-япон маркази-

да ижтимоий Ҳимоя йўналишида грант шартномаларини имзолаш маросими бўлиб ўтди.

• **КЕЧА** шаҳримизда Бутунжаҳон банки ташаббуси билан уюштирилган товар махсулотлари билан савдо қилишнинг замонавий усулларига бағишланган семинарда банклар ходимлари иштирок этишди.

• **РЕСПУБЛИКА** кардиология илмий марказига Ижтимоий Ҳимоя йили муносабати билан хориждан замонавий тиббий жиҳозлар, технологиялар келтирилди.

• **ИЖТИМОЙ** Ҳимоя йили муносабати билан Юнусобод туманидаги Мирзо Улуғбек номи маҳаллада яшовчи аёллар ва болалар «Соғлом авлод учун» жамғармасининг туман бўлими ҳомийлигида тиббий кўрикдан ўтказилди.

• **«ТУРКИСТОН»** концерт саройида яқинлашиб келаётган Наврўз айёми олдидан Ўзбекис-

тон халқ артисти Муяссар Раззоқованин хайрия концерти уюштирилди.

• **«КАМОЛОТ»** ЁИХ Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши ташаббуси билан шаҳримиздаги ўрта махсус касб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари ўртасида ўтказилган кўрик-танлов «Балли, йигитлар» деб номланди.

• **ЁШЛАРГА** Корея иқтисодиёти, саноятининг ютуқларини янада яхшироқ ўрганишлари имкон яратиш мақсадида Тошкент Давлат техника университетига ўқув курси ташкил этилди.

• **ЮНУСОБОД** туманидаги 31-Меҳрибонлик уйида Ҳамид Олимжон номидаги маданият уйи ташаббуси билан уюштирилган хайрия тадбири «Баҳорий гулдаста» деб номланди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ КЕНГАШ ЙИФИЛИШИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА КОМПЬУТЕРЛАШТИРИШ ВА АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ КЕНГАШНИНГ НАВБАТДАГИ МАЖЛИСИ БЎЛИБ ЎТДИ. УНДА ВАЗИРЛИКЛАР, ИДОРЛАР, ЖОЙЛАРДАГИ ҲОКИМИЯТ ОРГАНЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ИШТИРОК ЭТДИ.

Ялаш бўйича фойдаланиладиган тизимларни ривожлантириш ва жорий этиш борасида амалга оширилган ишлар тўғрисидаги ҳисобот тингланди. Бундан ташқари, ушбу янгиликни жамият фаолиятининг барча жабҳаларидаги таътиб этишнинг ижо-

бий жиҳатлари, шунингдек, аҳоли ўртасида электрон рақамли имзони янада ривожлантириш ҳамда оммалаштириш истиқболлари муҳокама этилди.

Шу билан бирга, Ziyonet жамоат таълим ахборот тармоғини ташкил этиш ва яна-

да ривожлантириш истиқболлари тўғрисидаги маълумот тингланди, ушбу лойиҳани амалга оширишда иштирок этаётган айрим вазирлик ва идораларнинг иши таниқий баҳоланди.

Мажлисда Мувофиқлаштирувчи кенгаш ишчи гуруҳла-

ри раҳбарлари 2006 йилда бажарилган ишлар хусусида маълумот берди. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигига мазкур ишчи гуруҳлар режасининг амалга оширилишини таҳлил қилиш вазифаси топширилди.

(ЎЗА)

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Наврўз байрами арафасида Қорақалпоғистоннинг чекка туманларига Тошкентдан навбатдаги «Саломатлик поезде» жўнаб кетди. Мазкур поезд «Ижтимоий Ҳимоя йили» Давлат дастури доирасида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акционерлик компанияси кўмагида «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармаси томонидан шакллантирилди.

• Ўзбекистон Бадий академияси Тошкент Фотосуратлар уйида Фотосанъат мактаб-студияси илк битирувчиларининг ижодий ишлари кўргазмаси очилди. Кўргазмада мактаб-студия битирувчилари томонидан ишланган 80 га яқин фотосурат намойиш этилмоқда.

• «Ижтимоий Ҳимоя йили» Давлат дастури доирасида Нукус шаҳридаги 5-оилавий поликлиника жамоаси «Соғлом бола» ҳафталигини ташкил этди. Унинг доирасида турли касалликларга қарши иммунитетни кўтариш мақсадида болаларни вакцинация қилиш ишлари амалга оширилди.

• Жиззахда бўлиб ўтган бўш иш ўринлари ярмаркасида 40 дан ортиқ фирма, корхона ва ташкилотлар ўзлари ишлаб чиқараётган маҳсулотлар ва хизматларни намойиш этишдан ташқари 262 та бўш ўринларни тавсия қилдилар. Шундан 154 таси касаначиликка оид иш бўлди. Тадбир натижасида 73 киши турли корхона ва ташкилотларда ишлаш учун йўланмалар олди.

• Андижон Давлат университети талабалари учун очилган янги ўқув марказига «Билимлар салтанати» дея ном берилди. Талабаларга қулай бўлиши учун марказ олий ўқув юртининг талабалар яшаш жойидан ўрин олди. Бу ерда компьютер саводхонлиги, қандолатчилик, ошпазлар, сарторошлар, уй ҳамширалари курси фаолият кўрсатмоқда.

• Тошкентга Қаршидан дастлабки сайёҳлик поезде келди. «Шўртангазим» унитар шўъба корхонасининг 300 дан ортиқ ишчи-хизматчиси ҳамда вилоятдаги Меҳрибонлик уйларида тарбияланаётган болалар унинг йўловчилари бўлишди. Ушбу сайёҳлик поезде ташкил этишда корхона раҳбарияти ва вилоят ҳокимлиги ташаббус кўрсатишди.

• Республика киночилар уйида Эдуард Хачатуров ва Собир Назармухамедов каби режиссёрлар томонидан ишланган «Ййра Абдуллаева» ва «Эркин Комиллов: монолог» иккита киноочеркининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

ЖАҲОНДА

• Халқаро атом энергетикаси агентлиги — МАГАТЭ раҳбари Мухаммад Ал Барадеи кеча Шимолий Кореяга ташриф буюрди. У бу ерда расмий Пхеньян ўз зиммасига олган энергетик кўмак ҳисобига 60 кун ичида ядро дастуридан воз кечиши юзасидан амалга ошириладиган ишлар билан яқиндан танишади. Айтиш керакки, Шимолий Кореянинг ядро дастури юзасидан ўтказиладиган олти томонлама музокараларнинг навбатдагиси 19 мартда Пекинда бошланади.

• Эрон Президенти Махмуд Аҳмадинажот БМТ Хавфсизлик Кенгаши йиғилишида катнашиб, мамлакат ядровий дастурини Ҳимоя қилиш ниятида эканлигини билдирди. Нью-Йоркда ўтказилган режалаштирилган йиғилишда Эрон Президенти Фарб давлатлари атом бомбаси яратилмапти, деб гумон қилаётган урани бойитиш ишлари жараёнини ўзи тушунтириб бермоқчи.

• «Новости-Грузия» ахборот агентлигининг хабар беришича, Базалети кўли атрофида ҳалокатга учраган Грузия ҳарбий ҳаво кучларига тегишли МИ-24 вертолётнинг уч нафар экипаж аъзоси ҳаётдан кўз юмган. Дастлабки маълумотларга кўра вертолёт ҳалокатга ноқулай об-ҳаво шароитлари сабаб бўлган.

• Эфиопияда бундан бир неча кун муқаддам ўғирланган беш нафар европаллик кишилар кеча озод этилди.

• Кабардин-Болкорияда жойлашган Эльбрус тоғининг чиқши жуда мураккаб бўлган, денгиз сатҳидан беш минг метр юқорида жойлашган Жанкатау чўққисидан ноқулай об-ҳаво шароитлари оқибатида қолиб кетган уч нафар ҳаваскор альпинистларни қутқариш ишлари давом этмоқда.

• Камчаткада қор кўчиши оқибатида тоғ этагида машқ қилаётган 32 ёшли сноубордчи ҳалок бўлди.

• Кипр Республикаси ҳукумати Никосия шаҳридаги темир деворни бузиб ташлашга киришди. Таъкидлаш жоизки, Никосия бир вақтнинг ўзида Кипр Республикаси ва Шимолий Кипр Турк Республикаси маркази саналади. Никосияни иккига бўлиб турган деворнинг бузиб олиб ташланишини БМТ олқишлаган. Демак, Никосия Берлиндан сўнгра Европадаги охириги девор билан бўлинган марказ саналиб келинади.

• Кеча Россиянинг Нижний Новгород шаҳрида жойлашган кўп қаватли уйнинг сақкизинчи қаватида газ баллонининг портлаши оқибатида хонадон соҳибиси ҳаётдан кўз юмди, тўрт киши турли даражадаги тан жароҳатларини олди. Ушбу уйда таъмирлаш жараёни кетаётган бўлиб, ҳалокатга пайвандчиларнинг газ баллонидан нотўғри фойдаланиши сабаб бўлганлиги айтилмоқда.

ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Гидрометеорология хизмати марказининг маълум қилишича, 15 март куни Тошкентда ҳаво ўзгариш туради, ёғингарчилик бўлмайд. Шарҳдан секундида 3-8 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 1-3, кундузи 15-17 даража илқ бўлади.

Фармон ва ижро

ХАЛҚИМИЗ МАЪНАВИЙ САЛОҲИЯТИНИНГ КЎЗГУСИ

МАМЛАКАТИМИЗДА БАРЧА ЖАБҲЛАРДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ЯНГИЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ СОҲАДАГИ ИСЛОҲОТЛАРДАН АЙРИ ҲОЛДА ТАСАВВУР ЭТИБ БЎЛМАЙДИ. ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИ ИСЛОМ ҚАРИМОВ ТАШАББУСИ БИЛАН МИЛЛИЙ САЪНАТИМИЗ РИВОЖИГА ҚАРАТИЛАЁТГАН УЛКАН ЭЪТИБОР ВА ҒАМҲЎРЛИК ҲАҚИДАГИ ҲАҚИҚАТ ВА АНЪНАЛАРИМИЗНИ ТИКЛАШ, АҲОЛИНИ, АЙНИҚСА, ЁШЛАРНИ ТАРИХГА ҲУРМАТ, ВАТАНГА МУҲАББАТ, ИСТИҚЛОЛ ҒОЯЛАРИГА САДОҚАТ РУҲИДА ТАРБИЯЛАШДА МУҲИМ ОМИЛ БЎЛМОҚДА.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 1997 йил 23 январдаги «Ўзбекистон Бадий академиясини ташкил этиш ҳақида»-ги фармониغا биноан ташкил этилган Ўзбекистон Бадий академияси ҳам ана шундай ғамхўрликнинг амалдаги ифодасидир. Бундай бадий-ижодий даргоҳ, жаҳоннинг кам сонли давлатларидагина мавжуд. Мазкур академияга асос солиниши азалдан халқимизнинг ижодий-интеллектуал салоҳияти, Ватанимизда қадимдан шаклланган, шухрат қозонган нафис санъат мактабларининг дунё тасвирий санъати ривожига қўшган ҳиссаси юксаклигидан яна бир далил ҳисобланади.

Ўзбекистон Бадий академиясининг ташкил этилиши миллий тасвирий санъатимиз ривожига муҳим омил бўлди. Юртбошимизнинг ушбу фармони раҳбарлар, ҳайкалтарошлар, меъморлар, дизайнерлар, фото, амалий санъат усталарининг изланишлари, ижодий парвозлари, умидли ёшларимизни тарбиялаш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш учун улкан имкониятлар яратди.

Академия халқимизнинг бой бадий мероси, жаҳон санъати тарихида тугган ўрни, тараққиёт босқичлари ва замонавий йўналишларини чуқур ўрганиш, ижодкорларни халқимизнинг бой маънавий дунёси, овоз ва обод Ватан келажак олдига маъсул этиш, миллий ўзлигини аниқлаш ғояларини тараннум этувчи ёрқин асарлар яратишга йўналишни каби вазифаларни амалга ошириб келмоқда. Тасвирий ва амалий санъат соҳасидаги ижодкорларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш боробарида, уларни янги ижодий ғоялар сари даъват этишдек эзгу ишлар ўзининг самарасини бермоқда.

Истиқлол йилларида юртимизда бунёд этилган мухташам бинолар, илм-фан, маданият, санъат муассасалари, спорт иншоотлари, майдон ва хивонлар, ёдгорлик мажмуалари, ҳайкалларда моҳир расомлар, нозик дидли усталар, ҳайкалтарошларимизнинг муносиб ҳиссаси бор. Уларнинг меҳнати юртимизда юксак эътибор ва ҳадр топоқмоқда. Қўллаб-қўлдоғорлар «Ўзбекистон Республикаси халқ расоми», «Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби», «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими», «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими», «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими».

публикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи» унвонларига, Ватанимизнинг юксак ордени ва медалларига сазовор бўлдилар.

Рассом, ҳайкалтарош ва хунармандларимизнинг асарлари нуфузли халқаро кўргазмаларда муваффақиятли намойиш этилиб, соҳибдорларга лойиқ топилди. Муназарариимизнинг асарлари бугунги кунда жаҳон музейлари фонди, шахсий тўпламлардан ўрин олмоқда.

Академия иштирокида мамлакатимизда фотография санъатини кенг тарғиб қилиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди. Тошкент Фото суратлар уйи ташкил этилди, Тошкент Халқаро фотобиеналесига асос солинди. Бу борада республика ва халқаро миқёсда ўтказилган тадбирлар, кўргазмалар, ижодий кўрик-танловлар, чоп этилган нашрлар ўзбекистонлик ижодкорларнинг фото санъати бўйича имкониятлари катта эканлигини яна бир бор намойён этди.

Миллий тасвирий санъатимизни нафақат мамлакатимизда, балки хорижда ҳам кенг тарғиб қилиш Бадий академия амалга ошираётган ишларнинг энг муҳим йўналишларидан. Бунга Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан иш бошлаган Ўзбекистон Тасвирий санъат галереяси ёрқин мисол бўла олади. Мустиқил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо мамлакатлар орасида фақат бизнинг юртимиздагина ана шундай мухташам, замон талабларига мос санъат қошонаси бунёд этилди.

Мазкур галерея тасвирий санъатимиз тарихида яратилган ноёб дурдонна асарлар тўплами, нуμισматикага оид бебаҳо меросни асраб-авайлаш, тарғиб этишда, нафақат ҳамюртларимиз, балки хорижликларнинг ҳам ушбу маънавий хазинадан баҳра олишида муҳим ишлар қилмоқда. Бу ерда ноёб асарларни тарғиб ва ташвиқ этиш билан бирга, уларни сақлашда ҳам жаҳон андозаларига мос шароит яратилган.

Ўзбек Миллий либослари галереяси Ўзбекистон маданият ва санъат кўргазмаси қошонаси, Халқаро маданият қарвон саройи, Замонавий санъат маркази, Тошкент Фото суратлар уйи, Республика Болалар бадий ижодиёти маркази каби даргоҳлар тасвирий санъат ва унинг барча йўналишлари соҳасида эришилган ютуқларни тарғиб этиш, халқимиз, айниқса ёшларни бадий меросимизга ҳурмат ва эҳтиром руҳида тарбиялашга хизмат қилмоқда.

Ўзбек санъати ютуқларини дунё жамоатчилигига танитишда машҳур рассомлар, санъатшунослар, олимлар иштирокидаги симпозиумлар, кўргазмалар, анжуманларнинг ўрни катта. Ҳар икки йилда бир марта ўтказилаётган халқаро бадий кўргазма – биеналенинг МДХ мамлакатлари орасида илк бор 2001 йили Ўзбекистонда ташкил этилгани юртимизда давлатимиз раҳбарининг маданият ва санъат, маънавий ривожига бераётган улкан эътиборининг яна бир далилидир.

Ўзбекистон миллий тасвирий санъати вакиллари ўз асарлари билан Россия, Франция, Германия, Япония, Бельгия, Миср, Ҳиндистон, Жанубий Корея, Хитойда бўлиб ўтган халқаро кўргазмалар, биеналелар, Ўзбекистон маданияти кунларида фаол иштирок этдилар. 2005 йилда Франциянинг Париж, Лион ҳамда Бохенси каби шаҳарларида ўтган Ўзбекистон бадий санъати вакиллари кўргазма унга ташриф буюрганларда катта таассурот қолдирди.

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси билан ҳамкорликда ташкил этилган «Ўзбекистон фото санъатининг 125 йиллиги», «Ўзбекистон маҳаллалари: анъана, урф-одатлар ва истиқбол» мавзуларидаги кўргазмалар Россия, Хитой, Бельгия, Германия, Япония, Голландия каби давлатларда муваффақиятли намойиш этилди.

Тасвирий ва амалий санъат, дизайн, халқ хунармандлиги соҳалари бўйича малакали мутахассислар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ҳам академия фаолиятидаги асосий йўналишлардан. Президентимиз ташаббуси билан 1997 йили ташкил этилган Камалиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтида бугунги кунда мингдан ортиқ талаба тахсил олмақда. Республика рассомлик, Республика миллий дизайн коллежи, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги тасвирий ва амалий санъат лицейларида минггаб ўқувчилар тасвирий санъат сирларини ўрганмоқдалар.

Ёш авлод таълим-тарбиясига қаратилаётган улкан эътибор ўз самарасини бермоқда. Хитойда ўтган халқаро болалар расмлари кўрик-танловида Самарқанд тасвирий ва амалий санъат лицей-интернати ўқувчиси С.Аҳмедов, «Шанкар» халқаро болалар расмлари танловида (Ҳиндистон) Алишер Навоий номидаги Республика нафис санъат лицейи ўқувчилари Ф.Саидмуродов, Ф.Нурқобилова, Ж.Ҳожиёв, Дакка халқаро болалар биеналесига Қашқадарё тасвирий ва амалий санъат лицей-интернати ўқувчиси С.Раҳимов, «МДХнинг миллий либослари» халқаро кўрик-танловида (Россия) Республика рассомлик коллежи талабаси Н.Маъсумова каби ёшларнинг соҳибдорлиги билан эгаллаш бунинг ёрқин далилидир.

Халқимизнинг бой бадий мероси, жаҳон тасвирий санъати ривожигаги ўрни, тараққиёт босқичлари ва замонавий йўналишларини илмий нуқтаи назардан чуқур тадқиқ этиш борасида ҳам муайян ишлар амалга оширилди. Тасвирий санъатимизнинг тараққиёт босқичлари ва замонавий йўналишларини чуқур ўрганиш ва ривожланиш истиқболларини белгилаш борасида Ўзбекистон Бадий академияси Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти олимларининг изланишлари самарали бўлмоқда.

Институт томонидан ўтказилган «Марказий Осиё санъати: тарихий тараққиётнинг ўзига хослиги», «Камалиддин Бехзод ва Шарк санъати», «Урта Осиё археологияси, тарихи ва маданияти» каби мавзулардаги халқаро анжуманлар чет эллик санъатшуносларда катта қизиқиш уйғотди. Олимларимизнинг япон тадқиқотчилиги билан ҳамкорликда Далварзинтепа, Фаёзтепа ва Кампиртепада олиб борган археологик изланишлари ҳам муваффақиятли бўлди.

Тажрибали педагог ва олимлар томонидан яратилган тасвирий ва амалий санъатга оид ўттизга яқин дарслик, ўқув-услубий адабиётлар таълим муассасаларида қўлланилмоқда.

Буларнинг бари мамлакатимизда тасвирий ва амалий санъат намояндаларига, ушбу соҳаларнинг ривожига қўрсатилаётган улкан эътибор ва ғамхўрликнинг ёрқин намунаси ҳамда самараларидир.

Назоқат УСМОНОВА, ЎЗА мухбири

РЕКЛАМА ВА ҚОНУН

РЕКЛАМА ҲАЁТИМИЗНИНГ АЖРАЛМАС ҚИСМИГА АЙЛАНИБ БОРМОҚДА. БУГУНГИ КУНДА У МАҲСУЛОТ ЁКИ ХИЗМАТ ҲАҚИДАГИ ОДИЙ ХАБАР ЭМАС, БАЛКИ ИСТЕЪМОЛЧИДА ИЛИК ТААССУРОТ УЙҒОТАДИГАН ҲАҚИДА ХОС ТОВАРИД.

Мамлакатимизда 1998 йили «Реклама тўғрисида»-ги қонуннинг қабул қилиниши истеъмолчиларни чалғитадиган, ёлғон ва ноаниқ рекламалар тарқатилишининг олдини олишда муҳим омил бўлмоқда. Ушбу қонунга мувофиқ, рекламада маҳсулот ва хизматга доир маълумотлар аниқ акс этиши, истеъмолчи зарар етмаслиги лозим. Истеъмолчиларни чалғитадиган ёлғон ёки ноаниқ маълумотлар тарқатилиши қатъиян таъқиқланади.

Лекин аҳоли эътиборига ҳавола этилаётган барча реклама материаллари ҳам ушбу меъёрга мос деб бўлмайди. Баъзан пул кетидан қувиб, қонун доирасидан қичиб кетаётганлар ҳам учрамоқда.

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида оммавий ахборот воситаларида реклама бериш маданияти ва тартиб-қоидаларига бағишлаб ўтказилган давра суҳбатига шу ҳақда гап борди. Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан ташкил этилган тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Монополиядан қочириш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси масъул ходимлари ҳамда реклама тарқатувчи ташкилотлар вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Таъкидланганидек, реклама материаллари босма нашрлар, хусусан газета ва журналларда улар умумий ҳажмининг 40 фоизидан, телёканалларда эса ҳар соатда ўн дақиқадан ошмаслиги лозим. Аммо таҳлиллар ушбу меъёрларнинг аксарият ҳолларда бузилаётганини кўрсатмоқда.

Қолаверса, берилмаётган рекламаларнинг мазмун-моҳияти қонуний бўлишига, жумладан маҳсулот ва хизматларнинг лицензияга эгалиги, сифат қафолати каби жиҳатларга жиддий эътибор қаратиш лозим. Амалда эса бу масалалар баъзан эътибордан четда қолаётгани ҳам сир эмас. Жумладан, айрим тиббиёт ходимлари, дорилар ҳамда фаолияти шубҳа уйғотадиган табиблар асоссиз равишда мақталган ёлғон ахборотлар ҳам учраб турибди. Бундай ҳолатлар нимага олиб келишини ўйлаб қуриш фурсати етди.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан даврий нашрлар фаолиятини ўрганиш давомида шу каби 31 қонунбузилиш ҳолати аниқланди. Бу эса, ўз навбатида, реклама индустриясини тартибга солишни, муҳими, аҳолига тақдим этилаётган рекламаларда тўғри ахборот тарқатиш масъулиятини янада оширишни тақозо қилади.

Тадбирда бу борада амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ҳақида фикр алмашилди.

Н.АБДУРАИМОВА, ЎЗА мухбири

«ЖАВОН» ЖУРНАЛИ ЎЗБЕКИСТОН ҲАҚИДА

ТЕХРОНДА 150 МИНГ НУСХАДА ЧОП ЭТИЛАДИГАН «ЖАВОН» ЖУРНАЛИНИНГ МАРТ ОЙИ СОНИДА «ЎЗБЕКИСТОН-130 МИЛЛАТ ВА ЭЛАТ ВАКИЛЛАРИНИНГ ВАТАНИ» САРЛАВҲАЛИ МАҚОЛА БОСИЛИБ ЧИҚДИ.

Унда нашр ўз ўқувчиларини юртимизнинг ўтмиши билан бир қаторда бугунги замонавий Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаёти, мамлакатимиздаги тенги йўқ, қўнра тарихий шахарлар ва улар бағридаги қатор меъморий обидалар билан таништирган.

«Ўзбекистон Марказий Осиёнинг юрагида жойлашган бўлиб, унда 130 миллат ва элат вакиллари тинч-тотув ҳаёт кечириб келмоқда», — деб ёзади «Жавон».

Мамлакатимиз иқтисодиёти ҳақида тўхталар экан, нашр Ўзбекистоннинг олтин захиралари бўйича дунёда туртинчи, пахта экспорти бўйича эса иккинчи ўринни эгаллаб турганини таъкидлайди. «Нефть, газ, кўмир ва бошқа табиий бойликларнинг бой захиралари, шунингдек, металлургия, кимё, самолётсозлик ҳамда автомобилсозлик sanoatlari Ўзбекистонда иқтисодиётнинг истиқболли экани ва юксак даражада ривожланганидан далолат беради», — деб ёзади журнал.

«Жавон» журналхонлар эътиборини Ўзбекистоннинг таълим ва маданият соҳаларига қаратган ҳолда «айни пайтда мамлакатдаги 434 та олий ўқув юртида 34 мингдан зиёд илмий ходим фаолият юри-таётгани, уларнинг 2353 нафари фан доктори унвонига эга» эканига қаратади. Мамлакатдаги кутубхоналар эса Марказий Осиё минтақасидаги энг йirik ва машҳур зиё масканлари экани ҳам қаламга олинган.

Юқорида қайд этилганидек, журнал мамлакатимизнинг тарихий шахарлари, ёдгорликлари ва меъморчилик обидаларига алоҳида эътибор қаратган. Мақолада мамлакатдаги тўрт мингдан зиёд тарихий ва маданий ёдгорликлар Ўзбекистоннинг жаҳон цивилизациясидаги бекиёс ўрни ва аҳамиятидан далолат бериб туришини алоҳида таъкидлайди.

«Жаҳон» АА

Техрон.

Иқтисодиёт

ЗАМОН БИЛАН ҲАМҚАДАМ

БУГУН КУН ТАЛАБЛАРИДАН КЕЛИБ ЧИҚИБ ИШ ЮРИТАЁТГАН ТАДБИРКОРЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА ТИНМАЙ ҲАРАКАТ ҚИЛСА, ИСТИҚБОЛИГА ҲАҚИҚИЙ ЗАМИН ЯРАТАДИ, МУВАФФАҚИЯТЛАРГА ЭРИШАДИ.

Хусусий тадбиркор Наргиза Ёқубова ички бозоримизни чуқур ўрганиш асосида сифатли, қўркам либослар яратиш йўлида меҳнат қилмоқда. «ZERKINA» хусусий фирмасига бош бўлган тадбиркор раҳбарлигида бугунги кунда 12 нафар малакали, моҳир қўли тикувчилар ҳамда замонавий дизайнчилар аёллар ҳамда болаларга бежирим, мавсумий либослар тикишмоқда.

Жумладан, яқин-атрофдаги мактаб ва академик лицей ўқувчиларига махсус формалар ҳам тикишмоқда. Тумандаги қўшимча таълим маркази биюрт-маси асосида эса қардош халқларнинг (9та миллат) миллий либослари, бош кийимлар ўз мuddатларида тикиб берилди.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА

Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари

ОЙДИН ОРЗУЛАР ҚАНОТИДА

МАНА БИР НЕЧА ЙИЛДИРКИ, ЁШ ИСТЕЪДОДЛАР ОРАСИДА ЎЗИНИНГ ЎТКИР ЗЕҲНИ, ЗУЛКОЛИГИ ВА НОЁБ ИҚТИДОРИНИ НАМОЁН ЭТАЁТГАН ҚИЗЛАР ЗУЛФИЯ НОМИДАГИ ДАВЛАТ МУКОФОТИГА САЗОВОР БЎЛМОҚДАЛАР. КУНИ КЕЧА ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР БАЙРАМИ МУНОСАБАТИ БИЛАН МУХТАШАМ «ТУРКИСТОН» САРОЙИДА БЎЛИБ ЎТГАН ТАНАЛИЙ ЙИГИЛИШДА ЗУЛФИЯ НОМИДАГИ ДАВЛАТ МУКОФОТИ СОҲИБЛАРИГА СОВРИНДОРЛИК ДИПЛОМЛАРИ ВА НИШОНЛАРИ ТОПШИРИЛДИ. БУ МУКОФОТ МАМЛАКАТИМИЗ ЁШЛАРИГА КЎРСАТИЛАЁТГАН ҒАМҲЎРЛИКНИНГ БИР ТИМСОЛИ СИФАТИДА ЮРТИМИЗ ҚИЗЛАРИНИНГ ОРЗУ-ИНТИЛИШЛАРИ, ЭЗГУ УМИДЛАРИ ВА КЕЛАЖАК РЕЖАЛАРИНИ РЎЁБГА ЧИҚАРИШИ БИЛАН ҚАДРЛИДОР. ШУНИНГДЕК БУ МУКОФОТ ИНТИЛУВЧАН, ЯРАТУВЧАН, НОЁБ ИСТЕЪДОДГА ЭГА БЎЛГАН ҚИЗЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ ҲАЁТИДА УЛКАН БУРИЛИШ ЯСАДИ, ДЕСАК ХАТО БЎЛМАЙДИ.



ҳам илҳом булоғи жўш уриб, қўлимга қалам оламан.

Дарҳақиқат, набирасининг истеъдодини жуда эрта сезган Раҳима ая Дилафрўзини адабиёт тўғрисидаги ўқувчи мукофоти совриндори бўлишига эришди. Шу кун Дилафрўзининг яқинлари, устозлари, дугоналари унинг шундай нуфузли мукофотга сазовор бўлганидан чексиз қувониб, чин дилдан қутлашди.

Мустиқиллик тенгдоши бўлган ва 15 ёшни қаршилаган Дилафрўз Усмонованинг адабиёт йўналиши бўйича ушбу мукофот соҳибаси бўлгани бежиз эмас. У семимли шоирамиз Зулфияxonим издошларидан бўлиб, адабиёт ва шеърятга меҳр-муҳаббати, иштиёқи балинд. У беш ёшдан бошлаб шеърларни бийрон ёд ола бошлаган ва шеърлар ёзишга қизиққан. 5-синфдан бошлаб унинг ёзган шеърлари болалар газети ва журналларда чоп этила бошлади. Дилафрўз Шайхонтоҳур туманидаги 169-мактабда ўқиб юрган кезларида ҳам мактабда ўтказилган турли хил маданий-маърифий тадбирларда бошловчилик қилиб, шеърлар ёд олиб, кечаларнинг қизқирлиги ва мазмуни ўтишида фаол иштирок этиб келган. Аини дамда Ўзбекистон Миллий университетини қошидаги Собир Раҳимов академик лицейида тахсил олиб, бу ерда ҳам ўзининг ўткир билими, иқтидори ва ташаббускорлигини намойён этиб, устозларининг эътиборига тушди.

— Мен семимли шоирамиз Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлганимдан ниҳоятда бахтирман,— дейди Дилафрўз.— Бу мукофот менин орау-интилишларим, мақсадларимни рўёбга чиқаришда қўшқонот бўлди, десам аждамайман. Авоҳид биз ёшларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик учун ҳукуратимиз ва Юртбошимизга чуқур миннатдорчилик билдираман. Ниятим келгусида менга билдирилган юксак ишончини оқлаш, ўзбек адабиёти, шеърятининг юксалишида муносиб ҳисса қўшишдан иборат. Болалик чоғларим бувижонимдан эшитган эртатқар, шеърлар менин адабиётга, шеърятга бўлган қизиқишимни оширган бўлса ажаб эмас. Аиниқса Зулфияxonим шеърятига ҳар гал мувожаат қилганимда менда

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ГЕРМАНИЯДАГИ ЭЛЧИХОНАСИ МАМЛАКАТИМИЗДА 2007 ЙИЛНИНГ «ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА ЙИЛИ» ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИНИШИДАН КЎЗЛАНГАН МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРНИ НЕМИС ЖАМОАТЧИЛИГИГА ЕТКАЗИШ ЮЗАСИДАН ҲАМ ҚАТОР ТАДБИРЛАРНИ АМАЛГА ОШИРМОҚДА.

ЎЗБЕКИСТОН МАВЗУСИ ГЕРМАНИЯ МАТБУОТИ САҲИФАЛАРИДА

Яқинда ана шу мақсадга йўналтирилган навбатдаги йирик анжуманлардан бири Куйи Саксония федерал ўлкасининг Квакуенбрюк шаҳрида бўлиб ўтган эди. «Ижтимоий муҳофаза йили» мавзусига бағишланган мазкур тадбир шаҳар маъмуриятида, сиёсий ва иқтисодий доиралар вакиллари ҳамда кенг жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотди. Шаҳарда жойлашган «Tovarisch - Hilfe für Kinder» хайрия ташкилоти республикамиз болалар уйлари ва шифохоналари учун 188 минг евро миқдорда бегараз инсонпарварлик ёрдами юборди.

Буларнинг барчаси, мухтасар қилиб айтганда, Ўзбекистон мавзуси ҳамон Куйи Саксония федерал ўлкаси оммавий ахборот воситаларининг диққат марказида турибди. Яқинда «Мюнстерлендше Тагесцайтунг» газетасида «Ўзбекистон» сарлавҳали салмоқли мақола босилиб чиқди. Унда мамлакатимизнинг мустиқил ривожланиш йиллари давмида кўлга киритган улкан муваффақиятлари, юртимиз аҳолиси, табиий бойликлари, иқтисодиёти, халқаро ҳамкорлигига оид, шунингдек, республикамизнинг сиё-

сий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, хусусан, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга йўналтирилган муҳим чора-тадбирлар ҳақида атрофлича ҳикоя қилинади.

Ушбу газетанида чоп этилган немис журналисти М. Эллманнинг «Ҳамкорликка даъват. Ўзбекистон элчисининг Квакуенбрюкка ташрифи — элчи фаол мулоқот тарафдори» сарлавҳали мақоласида эса мамлакатимиз дипломатия ваколатхонаси раҳбарининг шаҳар ратушасида бургомистр В.Беккер ҳамда иқтисодий ва сиёсий доиралар вакиллари билан учрашуви мавзуси қаламга олинган.

Яна бир нашр — «Квакуенбрюкер Крайсблатт» газетасида чоп этилган «Ўзбекистон» «Tovarisch» дан миннатдор. Элчи Квакуенбрюкка — шаҳар олтин китобида дастхат» номли мақолада бугунги Ўзбекистон ҳаётига оид маълумотлар ўз аксини топган. Квакуенбрюк шаҳрининг маҳаллий нашри — «Фолт-реффер» газетаси ҳам юртимиз мавзусига мувожаат этиб, шаҳарда ўтказилган мазкур тадбир билан ўз ўқувчиларини атрофлича таништирган.

«TANZOLYMP — 2007» ОЛТИН НИШОНИ — ЎЗБЕК РАҚҚОСАЛАРИГА

БЕРЛИНДА «РАҚС ЧЎҚҚИСИ» («TANZOLYMP — 2007») БОЛАЛАР ВА ЎСМИРЛАР РАҚСЛАРИНИНГ ХАЛҚАРО ФЕСТИВАЛЬ-ТАШМИЛ НИҲОСИГА ЕТДИ.

Танловда Европа, Осиё ва Америка минтақаси вакиллари — дунёнинг 22 мамлакатидан келган 700 нафар ёш ижрочи иштирок этди. Иқтидорли ёшларга узаро ижодий мулоқот учун имконият яратиш, янги талантларни кашф этиш ҳамда Германия жамоатчилигини турли мамлакатлар халқларининг маданияти ва санъати билан таништириш ушбу тадбирни ўтказишда қўлланган асосий мақсад эди.

Рақс танловида Ўзбекистондан икки мусика жамоаси — Учқудук ва Зарафшон шаҳарларида фаолият кўрсатадиган «Экспрессия» ҳамда «Афсона» ансамблилари қатнашди. Улар икки тоифа бўйича, яъни 16 — 18 ҳамда 19 — 21 ёшлар оралиғидаги ижрочи гуруҳлар доирасида ўз санъатларини намойиш этишди. Эстрада ва фольклор жанрларидаги замонавий ҳамда миллий рақслар юрдошларимиз маданий дастурларидан жой олган эди. Турли мамлакатларнинг томоша бизнеси соҳасидаги танили арбоблари, бастакорлар ва мусикали эстрада юлдузларидан ташкил толган халқаро ҳайрат ўз ўзбек раққосаларининг иқтидори ва бетакор ижро маҳорати-

ни муносиб баҳолади. Ҳайрат аъзолари ўзбек жамоаларининг танлов сўнгги босқичидаги, яъни гапа концертдаги иштирокини ёқлаб овоз беришди. Таъкидлаш кераки, 700 иштирокчининг фақат 100 нафари танловнинг ушбу босқичига йўланма олган эди. Мазкур босқич натижалари бўйича ҳар икки ўзбек жамоаси намойиш этган маданий дастурлар энг яхши чиқиб, деб топилди. Уларга танловнинг олтин нишонлари тантанали равишда топширилди.

М.БОБОНАЗАРОВ, «Жаҳон» АА мухбири Берлин

Дилором ИКРОМОВА СУРАТДА: Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори Дилафрўз Усмонова. Наталья Семёнова олган сурат

ЎЗБЕКИСТОН — ПОКИСТОН: ТИНЧЛИК ВА БАҲҚАРОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ ҲАМДА МИНТАҚА ТАРАҚҚИЁТИ ЙЎЛИДАГИ ҲАМКОРЛИК

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ана шундай омиллар икки томонлама муносабатларни ривожлантиришга бирдек интилишни намойён этмоқда. Унинг асосида томонлар икки томонлама ва минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш, турли даражадаги алоқаларни кенгайтириш, 34 та давлатлараро, ҳукуматлараро ҳамда идоралараро шартнома ва битимлар заминидаги шартномавий-ҳуқуқий асосларни фаол равишда ҳаётга тadbик этишга интиломоқда.

Ўзбекистон Республикаси ва Покистон Исломи Республикаси ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги Битимга мувофиқ, икки мамлакат ўртасида савдо-сотиқ борасида жуда яхши муҳит қарор топган.

2006 йил натижаларига қараганда, икки мамлакат ўртасидаги товар айланмасининг ҳажми 2005 йилга нисбатан 2 бараварга ошгани ҳолда 18,8 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Умуман олганда, Покистонга ўзбек экспортининг асосий ўринлари хизматлар кўрсатишдан, механик ускуналар, пахта, ипақ, органик кимёвий бирикмалар, кимёвий штапел толаси, парафин, нефть вазелини, мум, араҳис, ўғит ва бошқа маҳсулотлардан иборатдир. Цитрус мевалар, дори-дармон, унли қандолатчилик маҳсулотлари, пластмасса ва ундан тайёрланган буюмлар, тамаки хом ашёси ва бошқалар

эса Покистондан Ўзбекистонга импорт қилинади.

Хозирги пайтда Ўзбекистонда Покистон капитали иштирокидаги 37 та қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Улар савдо-воситачилик соҳаси, тўқимачилик маҳсулотлари, қоғоз, тери маҳсулотлари ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, транспорт ва саноат хизматлари кўрсатиш жабдаларини қамраб олган.

Мамлакатларимиз ўртасидаги икки томонлама ҳамкорликни чуқурлаштиришда Савдо-иқтисодий ва илмий техникавий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Покистон Ҳукуматлараро комиссиясининг фаолияти алоҳида ўрин эгаллайди. 2007 йилнинг 6-8 марти кунлари Ислмободда ушбу комиссиянинг учинчи йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилиш якунлари бўйича Протокол имзоланди, унга мувофиқ, томонлар савдо-иқтисодий, молиявий ва маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорлик бўйича ҳар томонлама алоқалар ривожлантирилишини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга келишиб олдидилар.

2006 йил июль ойидан буён Тошкент-Лаҳор-Тошкент йўналиши бўйича ҳафтасига уч мартаба «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК авиақатновлари амалга оширилмоқда.

Икки мамлакат халқларининг тарихан яқинлиги, маданият ва аъёнларнинг муштараклиги маданий-гуманитар соҳада мустаҳкам алоқалар ўрнатилишига кўмаклашмоқда.

Маълумки, 1991 йилдан буён «Ўзбекистон - Покистон» жамияти фаолият кўрсатиб келади. У ўтган йиллар давомида турли маданий ва илмий тadbирларни ўтказди, шу жумладан, аёллар, ишбилармон доиралар, ёзувчилар ва маданият ходимлари делегацияларини алмашувларини уюштирди. Ушбу жамиятнинг кўмаги билан Лаҳорда ўзбек тилини ўрганиш бўйича ўқув курслари ташкил қилинди.

Икки халқ тақдирини тарихини акс эттирадиган ҳужжатли фильм яратиш юзасидан ўзбек ва покистонлик кино усталари баробарида маданий қадриятларни ўрганишчи - Ўзбекистон тарихининг турли даврларига алоқадор археология топилмалари ва қўлёмаларни тadbик этувчи олимлар ҳам ўзаро муваффақиятли ҳамкорлик қилишмоқда.

Буларнинг барчаси мустаҳкам ҳуқуқий заминга эга бўлган икки томонлама муносабатлар ривожини бардавонлигидан далолат беради.

Покистон Исломи Республикаси Бош вазири Шавкат Азизнинг Ўзбекистонга ушбу расмий ташрифи савдо-иқтисодий, сиёсий, маданий, илмий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги Ўзбекистон — Покистон муносабатларини янада чуқурлаштиришга хизмат қилади.

Жамшид МУТАЛОВ
«Жаҳон» АА

МАМЛАКАТИМИЗДА ИСТЕЪМОЛЧИ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ БОРАСИДА МУСТАҲКАМ ҚОНУНЧИЛИК АСОСЛАРИ ЯРАТИЛГАН. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 2002 ЙИЛ 28 НОЯБРДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН «ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШДА ЖАМОАТЧИЛИК ИШТИРОКИНИ КЕНГАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА» ГИ ҚАРОРИ МАВЖУД ҚОНУН ҲУҶЖАТЛАРИНИ ҲАЁТГА КЕНГ ТАТБИҚ ЭТИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАЁТИР.

Қарор ва ижро

ЁШ ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ТАНЛОВИ

Мазкур қарорда истеъмолчилар ҳуқуқлари ва манфаатлари ҳимоясини таъминлашда нафақат давлат органлари, балки жамоатчиликни ҳам кенг жалб этиш кўзда тутилган. Таълим муассасаларида истеъмолчилар ҳуқуқларига дахлдор қонун ҳужжатларини ўқитиш бўйича махсус курслар жорий этилгани айни мuddа бўлди. Фарзандларимизда истеъмолчи маданияти болаликдан шаклланимоқда. Бу «Энг иқтидорли ёш истеъмолчи - 2007» деб номланган кўрик-танлов мисолида яна бир бор намойён бўлди.

Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси ҳамда Монополиядан чиқариш, рақобат ва тadbиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ҳамкорлигида ўтказиб келинаётган ушбу танлов ўқувчиларнинг мазкур йўналишдаги билиминини янада мустаҳкамлашда қўл келмоқда. Шунинг билан ҳам олган ҳолда, ташкилотчилар ўтган йилдан бошлаб «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази билан биргаликда мамлакатимиздаги академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчиларини ҳам бу жараёнга жалб этди.

«Энг иқтидорли ёш истеъмолчи» кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичида пойтахтимиздаги мавжуд лицей ва коллежларда таълим олаётган барча ўқувчилар қамраб олинди.

Танловда Миробод туманидаги транспорт коллежи талабаси Дониёр Довудбоев энг иқтидорли истеъмолчи деб топилди. Чилонзор тумани 2-юридик коллежи талабаси Хуршида Зуфарова иккинчи ўринни эгаллади. Голиблар танловнинг республика босқичига йўлланма олди.

Н.АБДУРАИМОВА,
УЗА мухбири



САҲОВАТДАН ЧЕТДА ҚОЛМАЙЛИК

Мамлакатимиз пойтахти—Тошкент шаҳрида жойлашган, халқимиз маънавий меросининг узвий бир қисми бўлган Ҳазрати Имом (Ҳастимом) меъморий мажмуасида қурилиш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш мақсадида «Ҳазрати Имом (Ҳастимом) жамоатчилик жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида» Президентимиз томонидан қабул қилинган Қарор бутун ҳамкорларимизнинг кўнгилларини хушнуд этди. Зеро, ушбу Қарор муқаддас ислом дини ва фалсафасини, унинг инсонпарварлик ғояларини кенг ёйишга хизмат қилиб келаётган илмий-маърифий марказнинг асл тарихий қиёфасини тиклаш, бу ерда кенг қўламли қурилиш-таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш, мажмуанинг инфратузилмасини ҳар томонлама ривожлантиришда муҳим ўрин тутаяди.

Уйлаимизки, мамлакатимизда бу улуг ва савобли ишга ўз ҳиссасини қўшиш ниятида бўлган инсонлар, корхона, ташкилот ва муассасалар, тadbиркор ва ишбилармонлар қўллаб-қувватланади.

Биз газетамиз орқали ана шундай саховатпешаларга

ҲАЗРАТИ ИМОМ (ҲАСТИМОМ) ЖАМОАТЧИЛИК ЖАМҒАРМАСИНИНГ ҲИСОБ РАКАМЛАРИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАМИЗ:
СТПР: 206849483
МФО: 00423
Ҳ/р: 20212000604589442001
АТИБ Ипотека банки Меҳнат филиали.

Муносабат

ИСТИҚЛОЛ АБАДИЯТИ

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ «ТУРКИСТОН-ПРЕСС» НОДАВЛАТ АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ МУХБИРИГА БЕРГАН ИНТЕРВЬЮСИ КЕНГ ЖАМОАТЧИЛИК ТОМОНИДАН ЧУҚУР ЎРГАНИЛМОҚДА.

Ўзбек халқининг ислом маданияти ривожига қўшган бекиёс ҳиссасининг юксак эътирофи мужасам ва атрофлича баён этилган интервью қашқадарёликларнинг ҳам фахр-ифтихор туйғулари янада оширди. Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ислом ташкилоти — АЙСЕКО томонидан Тошкент шаҳрининг «Ислом маданияти пойтахти» деб эълон қилиниши юртимизда маданий-маънавий масалаларга алоҳида эътибор қаратилганлигидан далолат бериб турибди.

Иқтисодий муаммонинг ечимини топиш мумкин. Бироқ маънавий бухрон натижасида келиб чиқадиган зарарнинг ҳисоб-китоби, чеки йўқ. Бунинг ўз вақтида тўғри англаган давлатимиз раҳбари тарих ҳақиқатини тиклашни миллат ўзлигини тиклашнинг ягона йўли деб белгилади.

Тарих дарахтининг салкам уч минг йиллик илдизларидан сув ичган шаҳарларимиз — Бухоро, Самарқанд, Хива ва Шаҳрисабз азал-азалдан ҳам ўзининг санъати, маданияти, олим уфозлари билан машҳур бўлиб келган.

Президент Ислам Каримовнинг «Туркистон-пресс» нодавлат ахборот агентлиги мухбирига берган интервьюсида мамлакатимиз тарихи, айнан унинг ислом дини билан боғлиқ тарихи ҳақида гапирилиб давлатимиз раҳбари бу юрда юксак таваққур соҳиблари, буюк уламолар яшаб ўтгани, улар қолдирган илмий-маънавий мерос ҳақида, ана шу ноёб ва мўътабар мероснинг қай тарзда сақлаб, авайлаб-асраб келинаётгани, уларни ўрганиш борасидаги ишларга алоҳида ургу берилган, — деди Сайидо Насафий номидаги вилоят ахборот-кутубхонаси директори Клара Дусёрова. — Ҳақиқатдан ҳам бу каби эзгу ишларни Қашқадарё заминидagi тарихий шахарлар — Шаҳрисабз ва Қарши мисолида ҳам кўриш мумкин. Кўпга бормайлик, ҳали байрам шукуҳи, таассуротлари қалбларимиздан йироқлашмаган Қарши шаҳрининг 2700 йиллик тўйи муносабати билан воҳода камол топган не-не буюк аждодларимиз тарихидан бохабар бўлдик, уларнинг мангу макон топган манзиллари обод этилди, мозийдан сўзлагувчи муқаддас қадамжолар бугун қайтадан сайқалланди.

— Мамлакатимиз раҳбари бошчилигида тарихий-меъморий обидалар, зиёратгоҳларнинг қайта тикланганлиги, миллий урф-одат ва удумларнинг кенг тарғиб қилинаётганлиги жаҳон ҳамжамиятининг бу заминга бўлган қизиқишини янада оширди. — деди Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Қашқадарё вилоят худудий бошқармаси бош мутахассиси Бахтиёр Авлиёкулов. — Жаннатмакон юртимиздаги муқаддас қадамжолар, асрлардан сўзлаб келган тарихий обидалар, буюк алломалар, мутафаккирлар, улуг авлиё зотларнинг хоклари ётган муқаддас манзиллар бугун қайта иккинчи умрини бошлаган. Кўпга борманг, Қарши шаҳридаги асрлар оша бизгача етиб келган Қўқумбаз, Одина масжидлари, Қашқадарё кўприги каби меъморий обидалар, зиёратгоҳлар, Еркўрғондаги қадим шаҳар харобаларини ким келиб кўзи билан кўришни истамайди, дейсиз. Тошкент шаҳрининг «Ислом маданиятининг пойтахти» деб эътироф этилишида бизда ана шундай асослар бор. Бу хайрли ишларни яна қўллаб келтириш мумкин. Президент Ислам Каримовнинг «Туркистон-пресс» нодавлат ахборот агентлиги мухбирига берган интервьюсида булар атрофлича ўз ифодасини топган.

Тарихий обидаларни таъмирлаш уларнинг умрини узайтиради. Шу тарихи асрлар оша бизгача етиб келган бу кўна иншоотлар келажак авлодга имкон қадар асл ҳолича маданиятидан дарак бериб турибди. Худди шунингдек, бугун уларда амалга оширилган ишлар ҳам бир кун келиб айнан замон ҳақиқатини келгуси авлодларга етказаяди. Бу билан миллиятнинг ўчмас тарихи бардавон сақланади, болаларимиз қолдирган ўчмас мерос қадрланиб борилаверади.

Афтондил ИСМОИЛОВ,
«Туркистон-пресс»

МИЛЛИЙ УРФ-ОДАТ ВА ҚАДРИЯТЛАРИМИЗГА СИНГИБ КЕТГАН ҲАШАР ОРҚАЛИ ЮРТ ЯНАДА ОБОД БЎЛАДИ. КЎПЛАБ МЕВАЛИ ДАРАХТЛАР ЭКИЛАДИ. ДИЛЛАР ДИЛЛАРГА ТУТАШАДИ.

«ДИПЛОМАТЛАР БОҒИ»ДА ҲАШАР

Президентимизнинг «Наврўз умумхалқ байрами» кенг нишонлаш тўғрисида» ги Қарорининг бажарилишини таъминлаш мақсадида «Экосан» халқаро ташкилоти Наврўз байрамига бағишлаб «Экология ва саломатлик кунлари» нинг биринчи босқичи доирасида экологик акция ва ҳашар ташкил этди. Бу тadbир «Мева ва шарбат» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг Рихард Шредер номли боғдорчилик ва узумчилик институтида ўтказилди.

Институт боғига турли хил мевали дарахт навлари экилиб, илгари асос солинган «Дипломатлар боғи» кенгайтирилди. Унда давлат арбоблари, ёзувчи ва шоирлар, депутатлар, дипломатик корпус ва халқаро ташкилот вакиллари, санъаткору эколог олимлар иштирок этди. Ҳашарда уч юзтадан зиёд мевали дарахт экилди. Мазкур экологик акция давомида Россиянинг юртимиздаги элчинонаси билан ҳамкорликда Шредер институтини ва Россиянинг бир қатор узумчилик ва боғдорчилик институтлари билан ҳамкорлик қилишга келишиб олинди.

— Мана уч йилдирки баҳор ойлари юртимизда кўчат экиш ҳашарида қатнашяпмиз, — деди Россиянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Фарит Муҳамбетов. — Бу биз дипломатлар учун ўзига хос байрамга айланиб қолди. Жорий йилда Россия ва Ўзбекистон алоқалари ўрнатилганига ўн беш йил тўлади. Шу муносабат билан мазкур боғда дўстлигимиз ва ҳамкорлигимиз рамзи сифатида мевали дарахт кўчатлари экдик.

— Бангладешда ҳам худди шу ойда мевали дарахтлар экилади. Ўзбекистонда эса биринчи бор экологик акция ҳашарида қатнашяпман, — деди Бангладеш Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги элчисининг маслаҳатчиси Маджид Рафиқун Несса. — Ўз кўларим билан эккан кўчатларим мен учун қадри, уларни икки йил ўтиб кўрган келаман ва меваларидан тadbик кўраман. Инсоният қанча кўп кўчат экса, заминимиз, худудимиз кўпаламзорлашади, табиат мувозанати барқарор бўлади, атмосфера мусаффо ва тоза ҳолатга келади.

Тadbир иштирокчилари институт музейида ҳам бўлиб, унинг бой коллекцияси билан танишдилар. Ҳашар давомида меҳнаткашлиги ва киришувчанлиги билан ажралиб турган Лавль Баҳодир Шастрий номидаги Ҳиндистон маданият маркази директори В. Васудеванда институт музейи, ундаги экспонатлар катта таассурот қолдирди.

— Мазкур боққа тўртта олма кўчатини экдим, йиллар ўтиб ундан аҳоли фойдаланса ўзимни бахтли ҳис қиламан, — деди В. Васудеван. — Ўзбекистон кишлoқ ҳўжалиги хусусан, полиз ва мева савзавот экинлари бўйича Ўрта Осиёда етакчи мамлакат ҳисобланади. Ҳиндистон элчинонаси ҳамда ҳинд маданият маркази бу каби экологик ҳашарлар ва тadbирларда қатнашишга доим тайёр.

Хайрия ҳашарида «Экосан» ташкилоти томонидан Тошкент тумани аҳолисига 3 миллион сўмдан зиёд инсонпарварлик ёрдами топширилди.

Рустам ХАЙДАРОВ,
«Туркистон-пресс»

1999 ЙИЛДАН ЎЗ ФАОЛИЯТИНИ БОШЛАГАН ТОШКЕНТ ТУРИЗМ КАСБ-ХУНАР КОЛЛЕЖИНИ ДАВР ТАЛАБЛАРИГА ЖАВОБ БЕРУВЧИ ЗАМОНАВИЙ ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ МАСКАНИ СИФАТИДА ТАВСИФЛАШ МУМКИН.

Ўқув масканларида

КОЛЛЕЖДА «ОЧИҚ ЭШИКЛАР» КУНИ

Бугунги кунда коллежда туристик хизматларни ташкил этиш, меҳмонхона хизматларини ташкил этиш, ресторан бизнесини ташкил этиш, овқат-тиб бораётганидан далолат беради. Тошкент туризм касб-хунар коллежида пойтахтимизнинг барча туманларидаги мактабларнинг 9-синф битирувчилари, ота-оналар ва кенг жамоатчилик учун «Очиқ эшиклар куни» ўтказилганида бунга ўзимиз яна бир қарра гувоҳ бўлдик.

Тadbирда шахримизнинг барча туман мактабларидан 3,5 минг нафардан зиёд ўқувчилар иштирок этдилар. «Очиқ эшиклар куни»да шунингдек, пойтахт вилоятининг Юқори Чирчиқ, Қўйраб ва Тошкент туманларидан ҳам ўқувчилар қатнашди.

ЯҚИНДА ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИДА, ТАНИҚЛИ ЁЗУВЧИ, ДРАМАТУРГ ВА ПУБЛИЦИСТ, ЎЗБЕКИСТОН САНЪАТ АРБОБИ, МАҲМУД ҚОШГАРИЙ НОМИДАГИ ХАЛҚАРО МУКОФАТ СОВРИНДОРИ АБДУҚАҲОРИ ИБРОҲИМОВНИНГ ҚОМУСИЙ НАШР БЎЛМИШ «ЁРУҒЛУГ» ДЕБ НОМЛАНГАН КИТОБИНИНГ ТАҚДИМОТ МАРОСИМИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Кечада ёзувчилари, олимлар, сиёсатчилар, ҳуқуқшунослар, журналистлар ва талабалар иштирок этдилар.

Тақдимот

ЎЗИГА ХОС ҚЎЛЛАНМА

— «Ёруғлу» деб номланган китоб ватан, халқ маданияти, маърифат руҳияти ва фалсафа мавзуларини кенг қамраб олган маънавий-маърифий, илмий, сиёсий, нашрдир, — дейди Ўзбекистон халқ ёзувчиси, таниқли адиб Иброҳим Гофуров. — Китобни мутлола қилганинг сари унга янада кўпроқ боғлини борасан. Саҳифаларни варақлар экансан, унда нафақат маданият, маънавият ва маърифат, балки адабиёт ва санъат соҳасига оид битикларни марок билан ўқийсан. Республикамининг ифтихори ва фахри бўлган пойтахтимиз Тошкент, унинг тарихи, аъёнлари ва қадриятлари, бугун-

ги кундаги гўзал, бетакрор, фусункор маҳобатли ва маломатли кўриниши ҳақида ҳам батафсил маълумотга эга бўлади киши. Севимли ёзувчимиз Абдуқаҳор Иброҳимов жуда қўллаб асарлар яратди. Умид қиламизки, севимли ёзувчимиз бундандал салмоқли асарлар ёзиб халқимизнинг меҳрини қозониб яшайверади.

Шундан сўнг Ўзбекистон Қаҳрамони Зикир Мухаммаджонов, бир қанча олим, адиблар ёзувчинини «Ёруғлу» асари билан табриқлаб ўзларининг китоб ҳақидаги фикр ва мулоҳазаларини билдирдилар.

—Ушбу асарим, — дейди мураллиф, — сиёсатшунос, жамиятшунос, исломшунос, элшунос, ҳуқуқшунос, шарқшунос, қадимшунос, тарихчи, файласуф ва гуманитар фанлари билан шуғулланувчи олимларга, ходимларга, талабаларга бир қўлланма бўлиши баробарида кенг китобхон оммасига ҳам кириб боради, деб уйлайман. Агар мухбирларим ва ўқувчиларим янги китобини орқали озгина бўлса ҳам маънавий озуқ олсалар, илм ва маърифат дунёлари таваққулини бойитсалар ва бу нашр эзгулик йўлида хизмат қилса бу менинг энг катта ютугим бўлади. Зеро ёзувчиға эл раҳматидан буюкроқ муқофотнинг ўзи йўқ.

Гулчехра ДУРДИЕВА

ОЗ-ОЗ ҲАҚИДА ДОНО БУЛАР...

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БҮСТОНИ

Одамийнинг зеби ҳимматдиндурур, Нафсининг таъдиби ҳимматдиндурур. Инсонийликнинг зийнати ҳам, нафсининг жазоси ҳам...

Ҳикматда Наврӯз нафаси



Баҳор фасли дилбар аёллар, сулув қизларга янада Гўзаллик, нафосат, назокат ва латофат улашади.

Спорт янгиликлари

ПОЙТАХТЛИКЛАР ҲОЛИБ

БАДИЙ ГИМНАСТИКА БҮЙИЧА ҲАҚИДА... БИРИНЧИЛИГИДА МЕЗБОНЛАРДАН ТАШҚАРИ БУХОРО, САМАРҚАНД ВА ТОШКЕНТ...

Спорт усталари ўртасидаги беллашуларда кучли учликни Алиса Ажмирова, Вероника Есипова ҳамда Мария Мун ташкил қилди.

КУЧЛИЛАР САРАПАНМОҚДА

ФУТБОЛ БҮЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН КУБОГИ МУСОБАҚАСИНИНГ 1/16 ФИНАЛ УЧРАШУВЛАРИ ҲАҚИДА... МАЗКУР БОСҚИЧ ТОШКЕНТ ШАҲРИ ЖАМОАЛАРИ УЧУН ОМАДСИЗ АЙЛАНДИ.

Биринчи лига вакили «Локомотив БФК» (Тошкент) футболчилари анча таърибли бўлган «Тупаланг»га (Сариосиё) 1:2 ҳисобида имкониятни бой берди.

МУНАЖЖИМ БАШОРАТИ

БОШЛАГАН ИШЛАРИНГИЗНИ ДАВОМ ЭТТИРИНГ 15 МАРТ, ПАЙШАНБА

Бугун Кўёш Балиқ буржининг 25-даражасида бўлиши билан боғлиқ равишда олам сирларини билиш қобилияти кучаяди...

Ой сайёрасининг бугунги ҳолати одамларни кўпроқ сукут сақлашга даъват этади. Зеро, бугун бекорчи гапозлик ва сафсатларга кўп куч ва вақт беҳуда сарф бўлади.

ларнинг голига Ш.Юнусматов муаллифлик қилган бўлса, сариосиёликларга галаба келтирган тўпларни Б.Ваҳобов ва Т.Галеев киритди.

Олий лигада пойтахт шарафини ҳимоя қилаётган «Локомотив» эса кутилмаганда кўйи лига вакили «Шўрчи-Лочин» (Шўрчи) жамоасига ютказиб қўйди.

«НБУ-Осиё» (Тошкент) футболчилари Ўзбекистон чемпионати совриндори «Насаф» (Қарши) га жиддий қаршилик кўрсатди. Гарчи ўйиндаги ҳисоб «Насаф» вакили И.Қурбонов томонидан очилган бўлса-да, иккинчи бўлимда Н.Нурматов ҳисобни тенглаштирди.

Мусобақа қондасига кўра, кўшимча вақт белгиланди. Унда омад «Насаф» футболчилари томонида бўлди.

Қолган учрашувларнинг натижалари қуйидагича: «Кимёгар» (Чирчиқ) — «Вобкент» (Вобкент) — 1:6 «Машъал-2» (Муборак) — «Самарқанд-Динамо» (Самарқанд) — 0:2.

«В» гуруҳида Эроннинг «Истиклол» жамоаси мусобақадан четлатилгани сабабли, мамлакатимизнинг етти қарра чемпиони Тошкентнинг «Пахтакор» жамоаси 21 март кунини бахсларга киришди.

ҒАЛАБА КЕЛТИРГАН ЯҒОНА ГОЛ

ОСИЁ ЧЕМПИОНЛАР ЛИГАСИ ГУРУҲ БАҲСЛАРИНИНГ 1-ТУР ҲАҚИДА...

«В» гуруҳида Эроннинг «Истиклол» жамоаси мусобақадан четлатилгани сабабли, мамлакатимизнинг етти қарра чемпиони Тошкентнинг «Пахтакор» жамоаси 21 март кунини бахсларга киришди.

«С» гуруҳдан жой олган Фарғонанинг «Нефтчи» жамоаси эса меҳмонда Ироқнинг иккинчи жамоаси «Ал-Нажар»ни Акмал Холматовнинг 71-дақиқада жарима тўпидан киритган ажайиб голи эвазига доғда қолдириди.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

2007 йил 21 мартдан 1 апрелгача «Ўзбек Давлат цирки» республика бирлашмаси Хадра майдони

Учрашувлар

САВОЛ-ЖАВОБЛАРГА БОЙ ҲАҚИДА

АБУ РАЙҲОН БЕУНИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИДА «ЖАҲОН АДАБИЁТИ» ЖУРНАЛИ (БУ ЙИЛ ЖУРНАЛНИНГ ЧИҚА БОШЛАГАНИГА 10 ЙИЛ Тўлди) ХОДИМЛАРИНИНГ ТАЛАБАЛАР БИЛАН «ЮКСАК МАЪНАВИЯТ—КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ» МАВЗУСИДАГИ САВОЛ-ЖАВОБЛАРГА БОЙ УЧРАШУВИ БўЛИБ ҲАҚИДА...

Тадбирда сўзга чиққан журналнинг адабиётшуноски ва публицистика бўлими мудири, адабиётшуноски олим Ортиқбой Абдуллаев, журналнинг фаол муаллифи, шoirи, драматург Хусниддин Шарипов, наср бўлими мудири, таржимон Амир Файзулла, етакчи ходими, шoirи Гулнора Муҳаммадиевалар журналда босилган тарихий, фалсафий, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, адабий-илмий, ахлоқий, маданий мавзулардаги материаллар, таржималар, нашрнинг келгуси режалари ҳақида фикр юритдилар.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон тарихи ва бошқа ижтимоий фанлар талабалар томонидан ўзлаштирилишида, профессор-ўқитувчилар учун ҳам дарсларни талаб даражасида ўтишда, тарбиявий ишларда «Жаҳон адабиёти» журнали ва бошқа адабий-бадиий нашрларда эълон қилинаётган кўплаб материаллар билан танишиб бориш кўл келмоқда.

Ўзбекистон халқ ҳофиси Ҳасан Ражабийнинг халқимиз мумтоз мусиқаси ва шеърини асосида куйлаган кўшиқлари кечага янада файз киритди.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

ЖАНГ ШТУТГАРТДА ҲАҚИДА

ПРОФЕССИОНАЛ БОКСНИНГ ВБА Йўналиши ҲАҚИДА ОФИР ВАЗНИДА АЙНИ КУНЛАРДА ОЛТИН КАМАР СОҲИБИ БўЛИБ ТУРГАН РОССИЯЛИК НИКОЛАЙ ВАЛУЕВГА АСОСИЙ ДАЪВОГА ҲАМЮРТИМИЗ РУСЛАН ЧАГАЕВ ЭКНАЛИГИ МУҲЛИСЛАРГА ЯХШИ МАЪЛУМ.

Бутунжаҳон бокс ассоциацияси томонидан бу икки кучли чарм кўлпоқ усталари ўртасида ўтказилиши лозим бўлган чемпионлик жанги 14 апрелга белгиланган. Кунини кеча хориз оммавий ахборот воситаларида тарқатилган хабарларга кўра чемпионлик камари учун уюштирилган ушбу беллашув Штутгарт шаҳридаги муҳташам «Порше Арена» спорт мажмуасида ўтказилди.

Эътиборли жиҳати шундаки, кўпчилик мутахассислар муҳлислар ушбу жангда жисмоний ва руҳий ҳамда техник жиҳатдан Руслан Чагаев рақибидан устун эканлигини эътироф этаётди.

Шунингдек, Валуйев ҳам Руслан Чагаевга юқори баҳо бериб, рақибининг имконияти паст эмаслигини, шу боис учрашувга жиддий ҳозирлик қўраётганини маълум қилди.

Хуллас чемпионлик камари Валуйева қоладини ёки Чагаев янги чемпион сифатида мамлакатимиз байроғини яна юқори кўтардимиз, ҳар ҳолда буни вақт кўрсатади.

РУСТАМ САИДОВ—ОЛТИН МЕДАЛЬ СОҲИБИ

БОЛГАРИЯНИНГ ПЛОВДИВ ШАҲРИДА БОКС БҮЙИЧА УЮШТИРИЛГАН ХАЛҚАРО ТУРНИР ҲАҚИДА... ҲАҚИДА...

Курраи заминнинг 23 давлатидан ташриф буюрган чарм кўлпоқ усталарига қарши жанг олиб борган 6 нафар ўзбекистонлик боксчиларнинг 4 таси совриндор бўлди.

«Ўзбек Давлат цирки» республика бирлашмаси Хадра майдони

Ўзбек Давлат циркида 2007 йил 17 март соат 18-00 да, 18 март соат 14-00 да ва 18-00 да «Ассалом, Наврӯз» деб номланган катта байрам концерти бўлиб ўтади.

Концертда: Ўзбекистон халқ артисти: Фуломжон Ёқубов Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар: ОҒАБЕК СОБИРОВ Гулсанам Мамазоитова Равшан Комиллов Собиржон Мўминов Шухрат Қаюмов Эстрада хонандалари: Анвар Собиров Дилшод Раҳмонов Хосила Раҳимова Отабек Муҳаммадзоҳид Шаҳнозабону иштирок этадилар.

Касса соат 9-00дан ишлайди. Телефонлар: 144-35-91, 144-35-94, 144-29-04, 144-32-23.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ Буюртма Г-206

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ Манзил: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56. Душанба, сешанба, chorshanба, пайshanба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган. Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 4398 нусхада босилади. Қоғоз бېғими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари буйича турар жойлардаги почта бўлимларида ёки «Тошкент почта»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. «Шарқ» нашриёт-матбоа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 6